



АСОСИЙ ЭЪТИБОР ИШ ЎРИНЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛАДИ



Президент Шавкат Мирзиёев қишлоқ хўжалигидаги ишлар ҳолати, аҳоли ҳаёти билан танишиш мақсадида 6 октябрь куни Сирдарё вилоятида бўлди.

Бу йил вилоятнинг 75 минг гектар майдонида пахта етиштирилди. Айни пайтда қарийб 80 минг гектар ерга ғалла экилмоқда.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Сирдарё туманидаги "Арслон бобо" ва

"Омонбой ўғли Тугал" фермер хўжаликлари даласини кўздан кечирди.

"Арслон бобо" фермер хўжалигининг ер майдони 90 гектар бўлиб, бу йил ғалладан 80 центнердан ҳосил олинган. Ҳозир пахта терими авжида.

Шунингдек, картошка, мош, сабзи, пиёз каби такрорий экинлар ҳам етиштирилиб, бозорга қўшимча маҳсулот чиқарилмоқда.

"Омонбой ўғли Тугал" фермер хўжалиги 62 гектарда деҳқончилик қилади.

Бу ерда ҳам ғалла ҳосилдорлиги 80 центнер бўлган. Қўсак сони ва теримнинг боришига қараганда, пахтанинг ҳам "чўғи баланд".

Бу қўшни хўжаликларда ерлар лазерли ускуна ёрдамида текислангани

натижасида сув аввалгига нисбатан 30-40 фоиз тежалмоқда, суғориш вақти ҳам қисқарган. Насослар қуёш панеллари қувватида ишлайди. "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида дала четларига тут, ток, қоратол ва бошқа кўчатлар экилган.

Президентимиз шу ерда сирдарёлик фермерлар, нуронийлар билан суҳбатлашди.

— Халқимиз "меҳр кўзда" дегадидек, сизлар билан кўришиб, ҳорманлар деб келдим, — деди Шавкат Мирзиёев. — Адолатли ҳакам бўлса, айтиш мумкинки, Сирдарёда ҳам ўзгариш бўляпти. Лекин замон шундай шиддат билан ўтятипки, одамларнинг ниятлари илгарилаб кетяпти. Шунга яраша шароит яратиш, халқимиз талабини қондириш учун янги-янги режалар қилишимиз керак. Бугун азиз Сирдарё аҳлига раҳмат айтиш билан бирга, эришилаётган натижалар бардавом бўлиши учун, туманларнинг, одамларнинг бири икки бўлиши учун зарур йўналишларни белгиллагани келдик.

Фермерлар қишлоқ хўжалигида имкониятлар кенгайиб, манфаатдорлик ошгани, мажбурий меҳнат тугатилгани, қўшимча маҳсулотлар етиштирилаётганини айтди.

— Ер — халқимиз ризқ-рўзи манбаи. Бир пайтлар пахта майдонидан бир гектар ажратиш жиноят эди, такрорий экин эккан таъқиб қилинарди. Мана, ҳозир 80 минг гектар пахта ва ғалла майдонларини аҳолига бердик, ҳали яна берамиз. Улардан олинган маҳсулот ҳам халқимизники-ку. Бозорга маҳсулот, оилаларга даромад бўлади-ку. Бугун республикадан келган раҳбарлар ва ҳокимлар яна 7,5 минг гектар ер ажратилса, Сирдарё вилоятида ишсизликни йўқ қилиш бўйича таклиф бeryапти. Мен буни, албатта, қўллаб-қувватладим, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари шу ерда деҳқончилик қилаётган ёшлар билан ҳам суҳбатлашди. Улар мазкур фермер

хўжаликлари даласидан 0,5 гектардан ер олиб, мош, сабзи, пиёз, саримсоқ-пиёз етиштираётганини сўзлаб берди. Бундан олган даромади ҳисобидан университетда ўқиш, уйини бутлаш режаларини маълум қилишди.

Президентимиз Сайхунобод туманидаги "Шукроналик мўъжизалари" фермер хўжалиги даласида ҳам бўлди.

Хўжалиkning умумий ер майдони 70 гектар. Жорий йилда 25 гектарга пахта, 45 гектарга ғалла экилди. Ҳосилдорлик меҳнатга яраша — юқори.

Мамлакатимизда қайси маҳсулот кўпроқ даромад келтирса, ўшани экишга эътибор ортаётгани ҳам қишлоқ хўжалигида яхши самара бермоқда. Бу фермер хўжалиги ҳам ғалладан бўшаган майдондан яхши даромад олади. Хусусан, бу йил 45 гектар майдонга такрорий экин сифатида мош экилган. Хўжалик фаолияти билан танишув чоғида ушбу экинни етиштириш бўйича чет эл тажрибасини ўрганиш, ҳосилдорлигини ошириш учун илмий асосланган ёндашувларни қўллаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу ерда қишлоқ хўжалиги соҳаси вакиллари ва мутасаддилари билан мулоқот бўлди. Давлатимиз раҳбари инновация ва нав эвзига ҳосилдорликни ошириш, сувдан оқилонга фойдаланиш ва ҳисобини юритиш зарурлигини таъкидлади.

Иш фаолияти давомида муносиб яшаш ва меҳнат шaroитига эга бўлиш самарадорлигини оширади. Бу қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам муҳим саналади.

Президент миришкорлар, хусусан, фермерларнинг кўп вақти далада ўтишига эътибор қаратди. Шунинчак олиб, фермер ва унинг oilаси, ишчилар учун далада ихчам уйчалар ташкил этиш таклифини берди. Бундай ихчам уйлар электр билан таъминланиши, яшаш учун барча шарoитларга эга бўлиши кераклигини айтди.

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МДХНИНГ НОРАСМИЙ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 7 октябрь куни Санкт-

Петербург шаҳрида ўтказиладиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарларининг норасмий саммити тадбирларида иштирок этади.

Тадбир кун тартибига мувофиқ кўп томонлама ҳамкорлик ва минтақавий шерикликнинг долзарб масалаларини кўриб чиқиш кўзда тутилган.

ЎЗА

Венгрия элчиси Дьюла Ковач:

“ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИМИЗ ЖАДАЛЛИК БОСҚИЧИГА КЎТАРИЛДИ”



Жорий йил 3-4 октябрь кунлари бўлиб ўтган олий даражадаги Ўзбекистон — Венгрия саммитида иштирок этган Венгриянинг мамлакатимиздаги элчиси Дьюла Ковач Будапештдан қайтиб келганидан сўнг “Дунё” АА мухбири саволларига жавоб берди.

— Жаноб элчи, Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолатини қандай баҳолайсиз ва сизнингча, уларнинг истиқболлари қандай?

— Аввало, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳақида фикр алмашиш имко-

нияни яратилгани учун миннатдорлик билдиришни истар эдим. Ушбу фурсатдан фойдаланиб, мен ўзининг порлоқ келажагини барпо этаётган дўст ўзбек халқига улкан муваффақиятлар тилайман.

▶ Давоми 2-бетда

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

Сув том маънода ҳаёт, тириклик манбаи. Аммо обиҳаётни исроф қилмаслик, ундан оқилонга фойдаланиш ҳақида доим ҳам қайғурмаймиз. Ваҳоланки, ер юзидagi 2 миллиардга яқин киши тоза сув билан таъминланмаган, яна 2 миллиард 300 миллиондан кўпроқ одам эса санитария талабларига жавоб бермайдиган сувни истеъмол қилишга мажбур. Сув танқислиги дунёнинг 17 мамлакатида аллақачон энг юқори даражага етган.

БИЛЛИНГ ТИЗИМИ

сув сарфини бир неча баробар камайтиради

Маълумки, ер юзининг 70 фоизи сув билан қопланган. Аммо ушбу миқдорнинг атиги 3 фоизга яқини ичиш учун яроқли, холос. Ачинарлиси, йиллар давомида бу миқдор ҳам камайиб, танқислик ортиб бoryапти.

Бу шунчаки ваҳимали рақамлар эмас. Аслида ҳам ичимлик сув муаммоси сайёраимизни ташвишга солаётган долзарб экологик масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Айниқса, дунё нуфуси ошиб бориши, sanoat корхоналарининг кўпайиши ва ривожланиши, қўшимча суғориладиган ерларнинг ўзлаштирилиши, қолаверса, беҳуда исрофгарчилик қайта тикланмайдиган сув манбаларини кескин камайишига олиб келмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, 2050 йилга қадар сувга бўлган талаб яна 50 фоизга ошади.

▶ Давоми 4-бетда

ИСЛОҲОТЛАР АМАЛДА

“УРГУТ” ЭИЗ: ҚИШЛОҚ САНОАТИ ИНҚИЛОБИ ЙЎЛИДА КАТТА МАЙДОН



Ўтган аср билан бугунги кун sanoatини, соҳа ривожига тиргак бўлган асосий омилларни ўзаро таққослаб бўлмайди. Зеро, XX аср ва ундан олдин ҳам маълум ҳудудда sanoat ривожланиши хомашё барқарорлигига таянган бўлса, бугун ушбу тармоққа инновацияларни кенг татбиқ этиш, арзон хомашёдан қўшимча қийматга эга маҳсулотлар яратиш муваффақиятга эришиш гарови бўлмоқда. Буни биргина Ўзбекистон пахтаси, яна ҳам аниқроқ айтганда, юртимиз хомашё сотишдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтганининг иқтисодий самарадорлиги мисолида ҳам кўриш мумкин.

▶ Давоми 4-бетда

АСОСИЙ ЭЪТИБОР ИШ ЎРИНЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛАДИ



Бошланиши 1-бетда

Мазкур уйлар мавсумий бўлмаслиги, фермер истаган пайти — тўрт фаслда ҳам ишдан ортан пайти йўл босиб юйига бормасдан, шу ернинг ўзида бир оз хордиқ чиқара оладиган жой бўлиши лозимлиги таъкидланди. Мутасаддиларга бундай уйлари ташкил қилишда нималарга эътибор қаратиш зарурлиги, фермерлар учун бу борада кам фоизли кредитлар ажратилиши лозимлиги ҳақида топшириқлар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Сайхунобод туманидаги “Политекс Сирдарё” пахта-тўқимачилик кластери корхонасини бориб кўрди.

Илгари Сайхунобод туманида саноат умуман йўқ эди, фақат пахта экиларди. Қишлоқ хўжалигидаги янгиланишлар, кластер тизими натижасида бу ерда ҳам саноат пайдо бўлди. Ҳозир биргина пахтадан ип, калава, мато, тайёр кийимлар, чигитдан ёғ, совун, озуқа ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда.

Хусусан, “Политекс Сирдарё” кластерининг тўқимачилик корхонасида ҳам ип-калава ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Германия технологияси келтириб ўрнатилиб, 700 та иш ўрни яратилган. Корхонанинг йиллик қуввати 7 минг тонна бўлиб, жорий йилнинг ўтган даврида Хитой, Туркия ва Бангладеш давлатларига 2,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган.

Шунингдек, кластер қошида йилгига 30 минг тонна ёғ-мой тайёрлайдиган корхона ҳам мавжуд. Унда 100 нафар аҳоли бандлиги таъминланган.

Давлатимиз раҳбари “Политекс Сирдарё” кластерининг тўқимачилик корхонасида ип-калава ишлаб чиқариш жараёни билан танишди, ишчилар билан мулоқот қилди.

Шу ерда Сирдарё вилояти тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намойиш этилди. Бугунги кунда вилоятда 9 та пахта-тўқимачилик кластери фаолият кўрсатмоқда. Бу йил 268 минг тонна пахта хомашёси етиштириш режалаш-



тирилган. Унинг юз фоизи ҳудуднинг ўзида қайта ишланади.

Президентимиз оммавий ахборот воситаларини вакиллари билан ҳам суҳбатлашди.

— Бугун Сирдарёга келишдан асосий мақсадимиз — вилоятни аҳолиси тўлиқ иш билан таъминланган ҳудудга айлантириш мезонларини белгилаш, — деди Шавкат Мирзиёев. — Биринчи мезон, Сирдарё шароитида, бу — ер. Кластер эгаларининг дунёқараши ўзгаряпти, сифатга ҳаракат қилияпти, даромади ошяпти. Энди улар халқ манфаати-га хизмат қилиши керак. Бу манфаат биринчи навбатда иш ўрни. Масалан, аҳолига деҳқончилик учун ер ажратиш орақали 100 минг иш ўрни яратиш мўлжалланяпти. Иккинчидан, бу ерларга

нима даромадли бўлса, шуни экиш бўйича эркинлик берилади. Ким бозорни тушуниб, кўпроқ меҳнат қилса, нақд даромад олади. Яна бир муҳим томони, агар Сирдарё вилоятида ишсизликни тугата олсак, бу бошқа ҳудудлар учун намуна бўлади.

Сайхунобод туманида Сирдарё вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича йиғилиш ўтказилди.

Унда асосий эътибор иш жойларини кўпайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига қаратилди.

Сирдарё вилоятида 35 минг нафар ишсиз, 42 минг нафар чет элга ишга кетганлар бор. Меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларни ҳам ҳисобга олиб, 100 минг иш ўрни яратиш зарур. Бунинг учун пахта майдонлари қисқартирилиб, бу ерлар аҳолига бўлиб берилиши қайд этилди.

Бироқ бу қисқариш ўрнини ҳосилдорликни 2-3 баравар ошириш ҳисобидан қоплаш, Пахтачилик кенгаши ва олимлар билан ишлаш зарурлиги таъкидланди.

Озиқ-овқат етиштирувчи деҳқонларнинг кредити учун қўшимча 300 миллиард сўм ажратилмоқда. Энди деҳқонлар 150 миллион сўмгача гаровсиз кредит олади. Булар келгуси йилда Сирдарё аҳолиси учун 45 минг иш ўрни яратишга замин бўлади.

Шунингдек, 5 минг гектар экин майдонида суғориш тизимини яхшилашга бюджетдан 40 миллиард сўм ажратилади.

Ҳудудда озиқ-овқат маҳсулотлари, чорва ва парранда етиштириш учун жуда катта имкониятлар бор. Шу боис, келгуси йилда 1 триллион сўмлик паррандачилик лойиҳаларини амалга ошириш, гўшт ва тухум маҳсулотлари ҳажмини 2 баравар кўпайтириш кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Вилоятда 1,7 миллиард долларлик 858 та инвестиция лойиҳалари ҳисобига 20 минг иш ўрни яратиш режалаштирилган.

— Ҳар куни қайсидир масаланинг ичига кириб, қийин бўлса ҳам маблагини топиб, қарор қилиб бераймиз.

Бугун яна ким масала қўйса, уни ҳам ечиб бераман. Қайси ҳоким ҳисоб-китоб билан аниқ режа қўйиб, ишларни тизимли йўлга қўйса, албатта, натижа бўлади, — деди давлатимиз раҳбари. Йиғилишда Бош вазир ўринбосарлари иш ўринларини ташкил этиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ижтимоий соҳани яхшилаш режалари юзасидан ахборот берди.

Шу билан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Сирдарё вилоятига ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБЕКОВ,
Шухрат СУЯРОВ,
ЎЗА мухбирлари

Венгрия элчиси Дьюла Ковач:

“ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИМИЗ ЖАДАЛЛИК БОСҚИЧИГА КЎТАРИЛДИ”

Бошланиши 1-бетда

Саволингизга жавоб берар эканман, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларга дўстона муносабатлардан ҳам зиёддир, деб таъриф берган бўлар эдим. Биз қардош халқларимиз ва бу алоҳида аҳамиятга эга. Венгрия Ўзбекистонга Марказий Осиё минтақасидаги фавқулодда муҳим шерик сифатида қарайди. 2016 йил биз Тошкентда Венгрия элчихонасини очган эдик, мана у олти йилдан ортиқ вақт давомида муваффақиятли фаолият юритиб келаётимиз.

Мамлакатларимиз етакчиларининг олий даражадаги ташрифлари ва учрашувлари мунтазамлик касб этган. Иқтисодий алоқаларимиз ҳам изчил ривожланмоқда. Буларнинг натижаси ўларок, Венгрия Бош вазир Виктор Орбанининг ўтган йил март ойида Ўзбекистонга расмий ташрифи чоғида Венгрия — Ўзбекистон муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилди. 2022 йил биз учун аниқсиз муҳимдир, чунки бу йил биз дипломатия муносабатларимиз ўрнатилганининг 30 йиллигини нишонламоқдамиз.

Венгрия Ўзбекистон билан очик мулоқот ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка интилмоқда. Биз мамлакатда бошланган ва ортага қайтмас тусга эга иқтисодий ислохотларни олқишлаймиз ва уларнинг изчил амалга оширилишини қўллаб-қувватлаймиз. Шунингдек, Ўзбекистоннинг очик ташқи сиёсий стратегиясини қўллаб-қувватлаймиз ва унинг барча мамлакатлар билан яхши муносабатларга йўналтирилганини юксак баҳолаймиз.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўтган йил октябрь ойида қайта сайлангани ва кенг қамровли ғалабаси у бошланган ислохотларнинг тўғри эканини тасдиқлади.

Сизларни эришилган натижалар билан табриқлаймиз ва эълон қилинган Янги Ўзбекистон стратегиясини амалга оширишда ҳамда мамлакатни янада модернизациялашда катта муваффақиятлар тилаймиз.



Бугунги кунда Ўзбекистон бозори Венгрия компанияларининг эътиборини ўзига жалб этмоқда. Бу янада яқинроқ ҳамкорлик учун яхши асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Сўнгги йилларда Ўзбекистон билан ўзаро савдо ҳажми деярли уч баробар ошди ва ушбу кўрсаткичларни янада кенгайтиришдан манфаатдормиз. Венгрия ва Ўзбекистон иқтисодиёти бир-бирини тўлдирди ва ривожланиш стратегиялари иқтисодиётни диверсификациялашга кўмаклашади.

Венгрия компаниялари Ўзбекистонда ислохотларни муваффақиятли амалга оширишга ҳамда мамлакатнинг барқарор ривожланишига, айниқса, халқаро миқёсда тан олинган ва катта тажрибага эга соҳаларда ўз ҳиссаларини қўшишга тайёр. Буларга мисол тариқасида қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, сув хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва тиббиёт, молиявий хизматлар ёки сув ресурсларини бошқариш соҳаларини қайд этиш мумкин. Бизда амалга оширилаётган ёки тайёргарлик босқичида бўлган бир нечта қўшма лойиҳалар мавжуд.

Венгрия ташқи ишлар ва савдо вазир Петер Сийярто ҳамраис бўлган Венгрия — Ўзбекистон ҳукуматлараро комиссияси фаолияти ҳамкорлигимиз равақига муҳим омил бўлмоқда. Ушбу комиссиянинг еттинчи йиғилиши жорий йил 4 май куни Тошкентда бўлиб ўтди. Икки мамлакат ишбилармон доираларининг Венгрия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши ҳам иш олиб бормоқда.

Биз мустаҳкам сиёсий муносабатларимиз ва истиқболли иқтисодий ҳамкорлигимиз ривожланишидан ташқари, маданият, фан ва таълим соҳаларида ҳам халқларимизни бир-бирига боғлайдиган алоқаларни мустаҳкамлашдан манфаатдормиз. Венгрия кўп йиллардан буён “Stipendium Hungaricum” давлат дастури доирасида ўзбекистонлик университет талабаларига мамлакатимиз олий билим юртларида ўқишни давом эттириш имкониятини яратиб келмоқда. Биз таълим муассасалари ўртасида алоқалар ўрнатилишини қўллаб-қувватлаймиз. Шу боис, ўтган йили Ўзбекистонда олий ўқув юртлари ректорларининг Ўзбекистон — Венгрия биринчи форумини биргаликда ташкил этдик.

Венгрия Туркий давлатлар ташкилотининг кузатувчиси сифатида турли юқори даражадаги профессионал ва экспертлар учрашувларида қатнашмоқда. Будапештда ташкилот ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда, унда ўтган йили Ўзбекистон вакили биринчилардан бўлиб иш бошлади.

Ўзбекистон билан БМТ, ЕХҲТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида яқиндан ҳамкорлик қилмоқдамиз, индивидуал ташаббусларимизни, аризалар ва муҳим лавозимларга номзодларимизни ўзаро қўллаб-қувватламоқдамиз. Ўзбекистон томони, масалан, БМТ Бош Ассамблеясининг 77-сессияси раиси лавозимига Венгрия номзоди Чаба Кёрешининг сайланишини маъқуллади. Венгрия эса БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) Бош ассамблеяси 25-сессиясининг келгуси йили Самарқандда ўтказилиши учун овоз берди.

— Жаноб Ковач, Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти, мамлакатдаги ислохотлар жараёнлари ва халқаро ташаббусларини қандай баҳолайсиз? Улар Венгрияда қандай қабул қилинмоқда?

— Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги 31 йил мобайнида

катта йўлни босиб ўтди. Президент Шавкат Мирзиёев лавозимга киришганидан сўнг амалга оширилган кенг қўламли иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар туфайли мамлакат тубдан ўзгарди, жадал суръатлар билан ривожлана бошлади, энг муҳими, одамларнинг турмуш шароити сезиларли даражада яхшиланди. Айниқса, мамлакатни модернизациялаш, замонавий технологик ишланмалар билан бир қаторда миллий анъаналарни асраб-авайлашга жиддий эътибор қаратилаётгани таҳсинга лойиқ.

Ўзбекистон нафақат аҳоли сони кўпчилиги, балки минтақанинг барча давлатлари ва Афғонистон билан чегарадошлиги, шунингдек, улкан иқтисодий салоҳияти билан ҳам Марказий Осиёнинг тан олинган асосий мамлакатига айланди. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан юритилаётган ташқи сиёсат дунёнинг етакчи давлатлари ва халқаро ташкилотлар билан фаол, мутаносиб ҳамкорликка йўналтирилгани, яхши қўшничилик муносабатлари унинг асосий устувор йўналиши эканини юксак қадрлаймиз.

Ўтган йили Президент иккинчи муддатга сайланганидан сўнг эълон қилган Янги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий мақсадлари юксак эътирофга лойиқ.

Ўзбекистоннинг собит прагматизмини, Марказий Осиё давлатлари билан яхши қўшничилик ва стратегик шерикликни янада мустаҳкамловчи, шунингдек, дунёнинг барча минтақалари ва мамлакатлари, халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга хизмат қилаётган мувозанатли ташқи сиёсати ва иқтисодий дипломатиясини олқишлаймиз.

Ўзбекистоннинг Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан тартибга солишга эришиш борасидаги саъй-ҳаракатларига, радикализмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши қатъий сиёсати-га катта аҳамият қаратаймиз.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ҳам юксак обрўга эга ва халқаро майдондаги ишончли ҳамкор саналади. Мамлакат нафақат минтақада тинчлик

Ўзбекистон делегацияси таркибига Президент Администрацияси раҳбари Сардор Умурзоқов, Бош вазир ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Жамшид Хўжаев, ҳукуматлараро комиссия ҳамраиси ва яна 4 нафар вазир, шунингдек, ишбилармон доираларнинг етакчи вакиллари қиритилгани ҳам икки томонлама музокара-лар нақадар муҳим эканидан далолат беради. Музокаралар кун тартибидан стратегик шерикликни янада ривожлантириш, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик масалалари жой олди.

Ўзбекистон Президенти Венгриядаги компания ва банклар раҳбарлари билан ҳам учрашди. Ташриф олдидан Венгрия ташқи ишлар ва савдо вазир Петер Сийярто ҳамда Ўзбекистон Бош вазир ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Жамшид Хўжаев иштирокида Венгрия — Ўзбекистон бизнес форуми бўлиб ўтди. Унда фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, электротехника, машинасозлик, инновациялар, рақамлаштириш ва транспорт каби соҳалар иқтисодий ҳамкорлигимизнинг истиқболли йўналишлари экани қайд этилди.

Ўзаро муносабатларимиз жадал ривожланиш босқичига кирди. Ўзбекистон Президенти Венгрия Президенти Каталин Новакни мамлакатингизга ташриф билан боришга таклиф этгани бунинг тасдиқларидан бири бўлди. Венгрия Бош вазир Виктор Орбан жорий йил ноябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтадиган Туркий давлатлар ташкилотининг биринчи саммитида иштирок этишини тасдиқлади.

Ўзбекистон Президентининг ташриф давомида ўтказган расмий музокаралари ва ишбилармонлик учрашувлари ўзаро муносабатларимизни янада ривожлантириш учун рағбат бўлиб қолади. Будапештда икки давлат раҳбарияти ўртасида устувор лойиҳаларни молиялаштириш бўйича қўшма жамғарма ташкил этиш тўғрисида аниқ мақсадга йўналтирилган қарор қабул қилинди.

— ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАНДАН KEЙИНГИ 31 ЙИЛ МОБАЙНИДА КATTA ЙЎЛНИ БОСИБ ЎТДИ. ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЛАВОЗИМГА КИРИШГАНИДАН СЎНГ АМАЛГА ОШИРИЛГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ИСЛОХОТЛАР ТУФАЙЛИ МАМЛАКАТ ТУБДАН ЎЗГАРДИ, ЖАДАЛ СУРЪАТЛАР БИЛАН РИВОЖЛАНА БОШЛАДИ, ЭНГ МУҲИМИ, ОДАМЛАРНИНГ ТУРМУШ ШАРОИТИ СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА ЯХШИЛАНДИ. АЙНИҚСА, МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ, ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИК ИШЛАНМАЛАР БИЛАН БИР ҚАТОРДА МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАРНИ АСРАБ-АВАЙЛАШГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЁТГАНИ ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ.

ва хавфсизликни таъминлашда ибратли роль ўйнамоқда, балки глобал муаммоларни ҳал этиш, барқарор ривожланишга эришиш учун минтақадан ташқарида ҳам халқаро ҳамкорлигини фаол рағбатлантириш бўйича саъй-ҳаракатлар ва ташаббусларни илгари сурмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Президентини жорий йил 15-16 сентябрь кунлари Самарқандда ШХТ саммити муваффақиятли ўтказилгани билан ҳам табриқлаймиз.

— Элчи жаноблари, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Венгрияга расмий ташрифи якунларини қандай баҳолайсиз ва мамлакатларимиз халқларига қандай тилаклар билдиришни истардингиз?

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Венгрияга ташрифини катта умид ва сабрсизлик билан кутган эдик. Бу унинг Президентликка қайта сайланганидан кейинги Европага биринчи ташрифи бўлгани биз учун жуда муҳим белгидир.

Жаноб Президент Венгрия Президенти Каталин Новак билан учрашди, Бош вазир Виктор Орбан билан тор доирада ва ялпи мажлисда учрашувлар ўтказди. Давлатининг раҳбари Венгриянинг Ўзбекистонда муҳим ва узоқ муддатли шерик сифатида қўрилишини таъкидлади.

Жуда яхши сиёсий муносабатларга қўшимча сифатида биз иқтисодий муносабатларнинг, туризм, олий таълим ва маданият соҳаларида ўзаро ҳамкорликнинг янада ривожланишини, шунингдек, янги лойиҳалар ишга туширилишини кутмоқдамиз.

Биз Президент жанобларининг Будапештда Ўзбекистоннинг дипломатия ваколатхонасини очиб тўғрисидаги баёнотини олқишлаймиз.

Биз, шунингдек, икки томонлама шартнома-шуқуқий заминини ҳам кенгайтирдик: таҳриф давомида томонлар 14 та ҳужжатни, Стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш тўғрисидаги қўшма баёнотни имзолади.

Бундан ташқари, мамлакатимизнинг Ўзбекистондаги элчиси сифатида менга ва рафиқамга ҳар куни кўрсатилаётган меҳрибонлик ва самимий қабул учун ўзбек халқига ўзимнинг самимий тилакларим ва миннатдорлигимни билдиришни истар эдим. Мен бу ерда ўз Ватанимни намоён этаётганимдан бахтиёрман.

Мамлакатингизнинг тарихий шаҳарлари, қадимий обидаларини зиёрат қилиш, ўзбек халқи меҳмондўстлигидан баҳраманд бўлиш учун бутун дунёнинг турли бурчакларидан меҳмонлар келаётгани бежиз эмас. Мақсадларингизга эришишингиз йўлида мен сизларга муваффақият, куч-қувват ва мустаҳкам саломатлик тилайман.

“Дунё” АА


БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

 Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимизда ҳам ичимлик сув муаммоси йўқ эмас. Жаҳон банкининг таҳлилларига кўра, 2050 йилга бориб Ўзбекистонда сувга булган талаб 59 куб километрдан 62-63 куб километргача ошади ва мавжуд сув ресурслари сезиларли даражада камади. Бундай

шаҳардаги каби исталган вақтда тоза ичимлик сувдан фойдалана олса, биз мақсадимизга етган бўламиз. Шу боис, соҳага жалб қилинаётган инвестициялар ҳажмини кескин қўпайтириш, муаммоли ҳудудларга тоза ичимлик сув етказиш ва сифатини яхшилаш бўйича алоҳида дастурларни амалга ошириш кўзда тутилган. Биргина жорий йилда соҳага

Воҳадаги яна бир мегалойиха эса Тўпаланг сув омбори сувидан фойдаланиш ҳисобига Сурхондарё вилоятининг ичимлик сув таъминотини яхшилашга қаратилган. Умумий қиймати 138 миллион долларга тенг лойиҳа 2021-2024 йилларда амалга оширилади. Ҳозирда Тўпаланг сув омборининг қуйи қисмида босимни сўндириш,



БИЛЛИНГ ТИЗИМИ

сув сарфини бир неча

баробар

камайтиради

вазиятда сувдан оқилон фойдаланиш ва тежамкорликнинг ўзи камлик қилади. Хўш, бугун юртимизда бу борада вазият қандай? Аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш кўрсаткичларини ошириш бўйича қандай чоралар, инновацион лойиҳалар қўлланилган? Ана шундай долзарб саволлар билан **Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг биринчи ўринбосари, “Ўзсувтаъминот” АЖ бошқаруви раиси Соҳиб САИФНАЗАРОВ**га муурожаат қилдик.

— Бугунги кунда дунёда умуман сув етиб бормайдиган ҳудудлар ҳам йўқ эмас. Аммо тоза ичимлик сув бормайдиган ёки етказиб беришнинг имкони бўлмаган ҳудудлар бошқа масала.

Мамлакатимизда сув етиб бормаган жойнинг ўзи йўқ, аммо ичимлик сув марказлашган ҳолда таъминланмаган ҳудудлар бор. Бундай ҳудудлар аҳолиси сувни муқобил манбалар, хусусан, булоқ, қудуқ, сойлардан истеъмолад қилади. Бу эса тоза ичимлик сув таъминотидаги камчиликлар борлигини англатади. Ҳозирда юртимизда аҳолининг марказлашган ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси 71,2 фоизни ташкил қилади. Бунда аҳоли жон бошига кунига ўртача 133 литр сув етказиб берилмоқда. Аммо бу етарли бўлмагани учун бутун ҳудудлар аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш борасида чора-тадбирлар қўриляпти. Хусусан, охириг беш йилда соҳага 10 триллион сўм ёки олдинги йилларга нисбатан 5 баравар қўп маблағ ажратилди. Бунинг ҳисобига 6 миллион 500 минг киши илк бор марказлашган ҳолда ичимлик сув билан таъминланди. Утган йили 474 та сув иншооти қурилиб, 6 минг 300 километрга яқин тармоқ тортилди. 592 маҳаллада 2 миллиондан зиёд аҳолининг сув таъминоти яхшилланган. Жорий йилда эса 1,6 миллион кишини илк бор марказлашган ичимлик сув билан таъминлаш, 3,4 миллион нафарининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш ҳисобига мавжуд кўрсаткични 74,2 фоизга етказиш режалаштирилган.

Юртимизда ичимлик сувнинг 60 фоизи ер ости, 40 фоизи эса ер усти сув манбаларидан олинади. Уларни тозалаб, аҳолига етказиш доим энг долзарб масалалардан бўлган. Масалан, айрим ҳудудларда марказлашган ичимлик сув таъминотини йўлга қўйишнинг географик жиҳатдан имкони йўқ. Шу боис, жорий йил 8 февраль кунини давлатимиз раҳбари раислигида ҳудудларда ичимлик сув таъминотини яхшилаш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йўғилишида ушбу масалага алоҳида тўхталиб ўтилди. Ушанда республикадаги марказлашган сув тармоғи йўқ 1 минг 545 маҳалладаги имкониятларни ўрганиб, уч хил йўналишда ишни ташкил этиш бўйича кўрсатма берилганди. Яъни инфратузилмага яқин маҳаллаларга марказлашган тармоқ тортиш, ер ости суви яқин ва тоза бўлган жойларда қудуқ қазиб, сув иншооти қуриш, қудуқ қазиш ҳамда қувур тортиш имкони бўлмаган қишлоқларда аҳоли сув таъминлаш келиши учун катта сифмилли ховузалар барпо этиш вазифалари қўйилганди.

— Президентимиз мустақиллигимизнинг ўттиз бир йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан Тараққиёт стратегиясида белгиланган катта марраларга эришиш учун 2026 йилгача, энг аввало, эътибор қаратиладиган 5 та асосий соҳани санаб ўтди. Мазкур вазифаларнинг бешинчиси аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш экани тизим олдида катта режаларни қўяди, шундай эмасми?

— Албатта, бу мамлакатимиз тараққиёти йўлидаги энг катта ва муҳим вазифаларимиздан биридир. Чунки Янги Ўзбекистоннинг тағ замирида одамларни рози қилиш сийасати ётибди. Қачонки, энг чекка қишлоқлар аҳолиси ҳам

республика бюджетидан 2,5 триллион сўм ва халқаро молия институтларидан 245,2 миллион доллар миқдоридан маблағлар ажратилиши белгиланган. Ушбу маблағлар ҳисобидан 791 та ичимлик ва оқова сув объектларида қурилиш-монтаж, 6 минг километр ичимлик ва оқова сув тармоғи, 548 та ичимлик ва оқова сув иншоотларини қуриш ҳамда реконструкция ишлари амалга оширилади.

Шу йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан барча дастурлар доирасида жами 3,2 минг километр ичимлик ва оқова сув тармоқлари, 170 та иншоотда қурилиш ҳамда реконструкция ишлари бажарилиб, 134 та объектда қурилиш-монтаж ишлари якунланди. Натижада аҳолининг ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси 71,2 фоизга, оқова сув хизмати 17,5 фоизга етказилди, 521 мингдан ортиқ одамнинг ичимлик сув таъминоти яхшиланди. Қолаверса, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 1 триллион сўм маблағ ажратилиши белгиланган. Бунинг ҳисобига жойларда 3 882 километр тармоқлар ва 431 та иншоотда қурилиш ҳамда реконструкция ишлари олиб борилади.

Муҳим масалалардан яна бири — соҳага инвестиция жалб этиш. Бу нафақат молиявий, балки халқаро тажриба, янги лойиҳалар, инновацион технологияларнинг кириб келиши жиҳатидан ҳам ижобий самарадорликка эга. Шу боис, жорий йилда “Ўзсувтаъминот” АЖ томонидан халқаро молия институтлари иштирокида 20 та лойиҳа рўёбга чиқарилмоқда. Ушбу лойиҳаларнинг умумий қиймати 1,9 миллиард долларга тенг. Маблағлар йирик халқаро банк ва жамғармалар томонидан молиялаштирилади.

Лойиҳалар юртимиз бўйлаб сув тармоғи, сув олиш ва тозалаш иншоотлари, қудуқлар, сув минораси



ҳамда резервуари қуриш ва реконструкция қилиш ишларини қамраб олади. Натижада 3,6 миллион киши ичимлик сув, 3,1 миллион нафари эса марказлашган оқова сув тизими билан таъминланади.

Ана шундай мегалойиҳалардан бири Қашқадарё вилоятида амалга оширилмоқда. Яъни “Оқсув — Деҳқонбод сув қувурини тортиш” лойиҳасининг инвестицион қиймати 23,9 миллион доллар бўлиб, унда 2026 йилга қадар 183 километр сув қувури ҳамда 310 километр ички тармоқларни тортиш кўзда тутилган. Лойиҳа якуни бўйича ҳудуддаги 113 минг аҳоли тоза ичимлик сувдан баҳраманд бўлади.



сувни тозалаш ва тарқатиш иншоотларини қуриш ишлари олиб бориляпти. У ердан туманлардаги сув тақсимлаш узелларигача жами 361 километр қувур тортилди. Бу тизим самарасида Сариссий, Денов, Шўрчи, Қумқўрғон, Жарқўрғон, Бандихон, Қизирик,



Шеробод, Ангор, Музработ, Термиз туманлари ва Термиз шаҳридаги 1,7 миллион кишининг тоза сув таъминоти яхшиланади.

Булар — соҳадаги ишларнинг бир қисми. Аниқроғи, бизнинг вазифамиз аҳолига ичимлик сув етказиб бериш баъориди, қурилмаларнинг саз ҳолатда ишлашини доимий назорат қилишдан иборат. Бунинг учун авваллари асосан, инсон меҳнатидан фойдаланилган бўлса, ҳозирги вақтда соҳага “ақлли” ва замонавий технологиялар кириб келяпти. Бу борада хорж тажрибасини ўрганиш янада муҳим.

Шу боис, ташкилотимиз Жанубий Корея, Франция, Испания, Исроил, Латвия, Туркия, Россия, АҚШ каби давлатлар билан турли йўналишларда ҳамкорлик қилиб келмоқда. Эскирган сув тармоқларини модернизация қилиш, “ақлли сув ҳисоблагич”ларни ўрнатиш, соҳага корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш, кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, энергиятежамкор асбоб-ускуналарни ўрнатиш, энергия аудитини ўтказиш ишлари шулар жумласидан.

Бундан ташқари, ходимларимиз соҳада қўлланилаётган янги технологиялар билан танишиш, янги билим ва қўникмаларга эга бўлиш, сув таъминоти масалаларига оид халқаро даражадаги тадбирларда иштирок этиш учун мунтазам равишда хорж давлатларига хизмат сафарига юборилмоқда. Муҳими, бу ишлар амалда ўз самарасини берапти ҳам. Соҳани трансформация қилиш доирасида Сифат менежменти (ISO 9001) ва Коррупцияга қарши курашиш (ISO 37001) бўйича халқаро сертификатлар олингани, янги биллинг тизими ишга туширилиб, молиявий

ҳисоботнинг халқаро стандартлари жорий этилаётгани шундай сазй-ҳаракатлар самарасидир.

Бундан ташқари, соҳани модернизация қилиш доирасида қуёш энергияси, қувурларнинг ичини торкетлаш орқали эскирган тармоқларни реконструкция қилиш, частотали ўзгартрувчилар ўрнатилган энергиятежамкор насослар, сув тозалаш иншоотларида цеолитдан тайёрланган филтёрлаш материаллари, сувни юлқа қатламли тиндириш технологиялари қўлланилмоқда.

— Замонавий технологиялар ҳақида гапирдингиз. Шу ўринда юртимиз бўйлаб тажриба сифатида аҳоли хонадонларига бепул ўрнатилаётган “ақлли сув ҳисоблагич”ларга тўхталсак. Нима учун бундай қурилмаларга зарурат туғилмоқда? Уларнинг афзаллиги нимада ва тежамкорлиги қай даражада?

— “Smart” сув ҳисоблагичлар ўз номи билан “ақлли” қурилма бўлиб, улар сув сарфининг аниқ ҳисобини юритиш ҳамда ҳисоблагич кўрсаткичларини масофадан туриб юбориш имконини беради. Яъни биллинг тизим автоматик равишда ишлаши ҳисобига қурилма ичидидаги барча жараёнлар соҳа вақиллари томонидан ягона тизим орқали қузатиб, назорат қилиб борилади. Сув сарфига оид ҳисоб-китобларни амалга ошириш ёки бирор камчиликларни аниқлаш учун ходимларнинг уйма-уй юришига ҳоҳат қолмайди, барчаси электрон тизимда акс этади.

Бу қурилманинг ягона афзаллиги эмас. Электрон ускуна сувни ортиқча исроф қилиш, ноқонуний фойдаланишларнинг ҳам олдини олади. У инсон омилга бўйсунмагани боис, қурилмада амалга оширилган кичик ҳаракат ҳам дарҳол тизимда акс этади. Сув сарфининг аниқ ҳисобини юритиш эса сув ресурсларини бошқаришда муҳим аҳамиятга эга. Келгусида бундай ҳисоблагичларни нафақат аҳоли хонадонларига, балки узелларга ҳам ўрнатишни режалаштирганмиз. Бу аҳолига қанча сув етказиб берилаётгани, сув технологик йўқотишларининг аниқ миқдорини билиш ва бунинг олдини олиш имконини беради.

Бироқ бир нарсани таъкидлашни истардимки, сув ҳисоблагични ўрнатиш ёки ўрнатмаслик истеъмоличининг ўз ихтиёридаги танлов. Бундан сув таъминоти корхоналари эмас, биринчи навбатда, истеъмоличларнинг ўзи манфаатдор бўлиши керак. Бу борада, аввало, тегишли тушунтириш ишлари олиб борилади. Масалан, хонадонда сув ҳисоблагич ўрнатилган оила фақат истеъмол қилган сув учун пул тўлайди. Таҳлилларга кўра, сувдан сув ҳисоблагични ўрнатмасдан, белгиланган истеъмол меъёрлари бўйича фойдаланаётган абонентлар “ақлли” қурилма эгаларига нисбатан 2-3 баробар кўпроқ пул тўлаяпти. Масалан, агар беш кишилик оила ичимлик сув учун йилгига ҳисоблагичсиз 682 минг сўмга яқин маблағ сарфласа, ҳисоблагич ўрнатилган, ўртача 216 минг сўм тўлайди. Ана энди қанча тежалишини ҳисоблайверинг.

“Smart” сув ҳисоблагичларни ўрнатиш пилот лойиҳа сифатида Тошкент шаҳрида бошланди. “Ўзсувтаъминот” АЖ ҳамда Жанубий Кореянинг “K-Water” ташкилоти билан имзоланган меморандумга асосан пойтахтимизнинг Миробод туманида 7850 та замонавий сув ҳисоблагичларни ўрнатиш ҳамда биллинг тизимига улаш белгиланган бўлиб, ҳозирги кунда жами 1900 та сув ҳисоблагич ўрнатилди. Бу борада “Shin dong-a electronics co, ltd” ташкилоти билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Меморандумга кўра, Миробод туманида 43 та антенна ва 610 та сув ҳисоблагичларни ўрнатиш ҳамда биллинг тизимига улаш белгиланган.

Шунингдек, лойиҳа Тошкент вилоятида ҳам амалга ошириляпти. Ҳудудда

ишлаб чиқарувчи корхоналар ўз ҳисобидан замонавий сув ҳисоблагичлар ўрнатмоқда. Хусусан, Ангрен шаҳридаги “Quvvat” МЧЖ корхонаси 5-мавзедаги кўп қаватли уйларга жами 180 донна сув ҳисоблагич ўрнатиши режалаштирилган бўлиб, ҳозирда 75 донаси ўрнатилди. Олмалиқ шаҳридаги “Luna” Туркия компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 5 та замонавий сув ҳисоблагич маҳалла ва кўча бошларига қўйилган. Мазкур корхона сазй-ҳаракати билан Фарғона вилояти Бағдод туманидаги 6 та кўп қаватли уй ҳам 20 та замонавий сув ҳисоблагичга эга бўлди. Синов тариқасида амалга оширилаётган ушбу лойиҳа муваффақиятли натижа берса, яқин йилларда юртимиздаги барча хонадонларга босқичма-босқич “ақлли сув ҳисоблагич”ларни ўрнатиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 24 майдаги “Аҳолининг ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари билан таъминланганлик даражасини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ кейинги йилнинг 1 январидан бошлаб юридик шахс ва юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи истеъмоличлар томонидан ҳам ҳудудий сув таъминоти корхоналарига масофадан маълумот узатувчи замонавий сув ҳисоблагичлар ўрнатилади. Ҳужжатда сув ҳисоблагичларни ўрнатган тадбиркорларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача солиқ имтиёзлари берилиши белгиланган. 2023 йилдан бошлаб хоржий ҳамда маҳаллий сув ҳисоблагич ишлаб чиқарувчилар айрим техник талаблар асосида сув ҳисоблагич ускуналарини таклиф этишлари мумкин.

— Ана энди аҳолини энг кўп ўйлантирадиган масалалардан бири — ичимлик сув сифати ҳақида гаплашсак. Мамлакатимизда ичимлик сув неча босқичда ва қай тартибда тозаланади?

— Ичимлик сувни аҳолига тозаланмаган ҳолда етказиш ҳеч бир стандартларга тўғри келмайди. Яъни ичимлик сув бир неча тозалаш босқичларидан ўтмагунига қадар хонадонларга йўналтирилмайди. Бунинг ўз белгиланган талаб ва меъёрлари бор.



Аввало, сув ҳавзалари ва бошқа манбалардан олинадиган сув тозалаш учун сув иншоотида келиб тушади. У ерда сувга махсус идилларда зарур реагентлар билан ишлов берилиб, тиндирилади. Майда зарралар сув тағига чўқкач, рангсизлантирилади. Сўнг бирин-кетин зарарсизлантириш, юмшатиш, чўчуқлаштириш ва тиниқлаштириш

жараёнларидан ўтказилади. Ана шу мураккаб босқичлардан кейингига сув насослар ёрдамида тармоққа юборилади. Марказлаштирилган таъминот тизимидаги сув сифати сувнинг манба юқори оқимидан то истеъмолич уйидаги жўм-ракларигача бўлган ҳаракати давомида кечаю кундуз назорат қилинади. Ушбу назорат сувнинг мақбул органолептик, кимёвий ва микробиологик хусусиятларини баҳолашга имкон берадиган турли тадбирлар мажмуасини ўз ичига олади.

Биргина Тошкент шаҳри мисолида оладиган бўлсак, пойтахтимиз аҳолисини ичимлик сув билан таъминловчи 7 та сув иншооти мавжуд. Шулардан бири ва энг қадимийси “Бўзсув” бош сув иншооти ҳисобланади. Мазкур иншоотдаги сувнинг атиги 7 фоизи аҳолига ишч учун йўналтирилади. Шунда ҳам 3 босқичли тозалаш жараёнидан ўтказилиб, сўнг истеъмолга етказилади.

Утган йили иншоотнинг филтёрлаш ва кимё-бактериология бинолари тўлиқ таъмирланиб, зарурий жиҳозлар билан таъминланди. Авваллари лабораторияда атиги 10 га яқин таҳлиллар ўтказилган. Ҳозир сув таркиби жаҳон стандартларига мос 25 дан зиёд таҳлилдан ўтказилмоқда. Бу сувда бўлиши мумкин бўлган турли касаллик ва вирусларни ушлаб қолиш учун етарли жараён дейиш мумкин.

Ўзбекистонда режали лаборатория назорати сув шаҳар таъминоти тармоғига етказилгунга қадар ва сув тақсимлаш тармоғининг алоҳида нукталарида амалга оширилади. Бундай назорат республика-да фаолият юритаётган 79 та лабораторияда доимий равишда олиб борилади. Ҳар ойда ўртача 17 200 та намуна, шундан 10 000 таси қисқартирилган назорат учун, 6 200 таси умумий физик-кимёвий таҳлиллар учун, 1 000 таси эса махсус токсикологик назорат учун олинади.

Сув сифати ва хавфсизлиги мониторингинг учун “Water lab” ахборот тизими ҳам жорий этилган бўлиб, республика бўйлаб ичимлик сув сифатини назорат қилиш имконияти сезиларли даражада кенгайтирилди. Бунинг учун сув таъминоти соҳасидаги барча мавжуд лабораториялар рақамлаштирилди ва ҳужжат алмашинуви ҳамда ҳисоботлари электрон тарзда юритилишига эришилди.

Афсуски, аҳоли орасида мамлакатимизда оқова сув ҳам ичимлик сув сифатида йўналтирилади, деган нотўғри тахминлар учраб туради. Бу ҳеч бир мезонларга тўғри келмайди. Биламизки, оқова сувлар машиий-ҳўжалик ва саноат-ишлаб чиқариш фаолияти натижасида юзага келади. Шаҳар ва туман марказлари инфратузилмаларининг канализация тармоқларидаги оқова сувлар ўзи оқар ва босим орқали тозалаш иншоотларига юборилиб, зарарсизлантирилган ҳолда канал, дарё ва сув ҳавзалари ёки рельефига ташланади ҳамда сугориш мақсадларида ишлатилади.

Ҳудудларда оқова сув тизимларини модернизация қилиш бўйича кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Масалан, Халқаро тараққиёт уюшмаси ва Жаҳон банки кўмағида амалга оширилаётган лойиҳа доирасида Бухоро вилоятида 100 километрга яқин янги оқова сув тармоқларни тортилиб, 7 та оқова насос станцияси реконструкция қилинди. Тошкент вилоятида ҳам қатор йирик лойиҳалар давом этапти. Ҳозир пойтахтимизда қунлиқ қуввати 1,2 миллион метр куб бўлган оқова сув тозалаш иншоотини қуриш бўйича Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия институтлари билан музокаралар олиб боришмоқда.

Ушбу лойиҳалар ва ҳаракатларнинг барчаси бир мақсад — аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш ҳамда бу борадаги сифат ва сон кўрсаткичларини мунтазам ошириб боришга қаратилгани билан аҳамиятлйдир.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Ирода ТОШМАТОВА суҳбатлашди.

ИСЛОХОТЛАР АМАЛДА

66

109 КИЛОМЕТР АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛИ, 27 ТА СУВ ИНШООТИ, 34 ТА ПОДСТАНЦИЯ ҚУРИЛДИ, 79 КИЛОМЕТР ИЧИМЛИК СУВ, 168 КИЛОМЕТРДАН ОРТИҚ ТАБИИЙ ГАЗ, 50 КИЛОМЕТРДАН ЗИЁД АЛОҚА, ҚАРИЙБ 55 КИЛОМЕТР ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАРМОҒИ ТОРТИЛДИ. ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАНИ ШУ КАБИ ЗАРУР МУҲАНДИСЛИК-КОММУНИКАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ИШЛАРИГА 500 МИЛЛИАРД СЎМДАН ЗИЁД МАБЛАҒ ЙЎНАЛТИРИЛДИ. НАТИЖАДА ИҚТИСОДИЙ ХУДУДДА БАРЧА ЗАРУР ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛИБ, У ЕРДА ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛАЁТГАН ЛОЙИХАЛАР, ПИРОВАРДИДА, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ЙИЛДАН-ЙИЛГА ОРТИБ БОРМОҚДА.

“УРГУТ” ЭИЗ:

ҚИШЛОҚ САНОАТИ ИНҚИЛОБИ

ЙЎЛИДА КАТТА МАЙДОН

Бошланиши 1-бетда

Гап замонавий технологиялар асосига қурилган тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ташкил этиш ҳақида борар экан, бу борада саноат зоналарини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Чунки зарур муҳандислик-коммуникация инфратузилмасига эга, маълум ер ёки ишлаб чиқариш майдонини ўз ичига олувчи ҳудуд — саноат зоналари кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва саноатнинг технологик ривожланиши билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишнинг муҳим механизмларидан бири ҳисобланади.

Дунё таърибасига назар солсак, аксарият ривожланган давлатларда саноат зоналари соҳа ривожига асосий омил бўлганига ғувоҳ бўлиш мумкин. Ҳозирги кунда АҚШ ва Хитойда 400 дан, Туркия ва Германияда 200 дан ортиқ, Вьетнамда эса 200 га яқин индустриал парк фаолият юритади. Мазкур зоналар ишлаб чиқаришнинг замонавий технологик базасини шакллантириш, ишлаб чиқариш жараёналарига инновацияларни жорий этиш ҳамда илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш орқали юрчи қўшимча қийматли маҳсулотлар яратишда асосий таянч вазифасини ўтамоқда.

Бугун мамлакатимизда ана шундай иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш, уларни зарур инфратузилма тармоқлари билан таъминлаш, тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ислохотлар натижасида салмоқли натижаларга эришилаётгани кўзонари ҳол, албатта. Жумладан, Президентимиз раислигида шу йил 26 май куни ҳудудларда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари ташкил қилиш, уларни зарур инфратузилма билан таъминлаш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида қайд этилганидек, ўтган беш йилда юртимизда қўшимча 19 та эркин иқтисодий зона ва 400 дан зиёд кичик саноат зонаси ташкил этилиб, мингдан ортиқ лойиҳа амалга оширилди. Натижада 100 мингга иш ўрни яратилиб, йилга 45 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, саноат зоналаридаги корхоналар йилга 750 миллион долларлик экспорт ва 1 триллион сўмдан зиёд солиқ тушумларини таъминламоқда.

Яна бир муҳим жиҳати, ҳар бир туманга, олис ва чекка ҳудудларга ҳам саноат кириб бормоқда. Хусусан, илгари саноат умуман бўлмаган 11 та туманда 205 та янги корхона иш бошлади.

Саноат зоналарининг аҳолини иш билан таъминлаш, маҳсулотларни маҳаллийлаштириш, ҳудудларнинг саноат салоҳиятини юксалтириш борасидаги ишларни “Ургут” эркин иқтисодий зонаси фаолияти мисолида таҳлил қиламиз.

ИМПОРТ ҚИСҚАРИБ, ЭКСПОРТ ОШМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 январдаги “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналари ташкил этиш тўғрисида”ги фармони асосан ташкил этилган мазкур иқтисодий зона мавжуд хомашё ва инфратузилмадан самарали фойдаланиб, қишлоқ жойларда саноатни ривожлантириш, қўллаб-қўйиш йўналишлари ташкил этишда муҳим ўрин тутмоқда.



Дастлаб “Ургут” эркин иқтисодий зонасига 4 та ҳудуд, жумладан, тумандаги Мерганча ва Сариктепа маҳалласи, шунингдек, Нуробод ва Пастдаргом туманларидан 816 гектар ер майдони ажратилди.



Коммуникация тармоқлари у ёқда турсин, ҳатто у ерга олиб борувчи айтарли йўли ҳам бўлмаган ушбу ҳудудларда зарур инфратузилма яратиш борасида ўтган йиллар давомида тизимли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, 109 километр автомобиль йўли, 27 та сув иншооти, 34 та подстанция қурилди, 79 километр ичимлик сув, 168 километрдан ортиқ табиий газ, 50 километрдан зиёд алоқа, қарийб 55 километр электр энергияси тармоғи тортилди. Эркин иқтисодий зонани шу каби зарур муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш ишларига 500 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Натижада иқтисодий ҳудудда барча зарур шароитлар яратилиб, у ерда ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар, пировадиди, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Масалан, эркин иқтисодий зона ҳудудида дастлабки йилда қиймати қарийб 189 миллион долларлик 38 та лойиҳа амалга оширилган бўлса, кейинги йилларда нафақат лойиҳалар, балки уларга йўналтирилаётган маблағ ҳажми ва яратилаётган иш ўринлари сони ҳам ортиб бораётганини қўриш мумкин. Жумладан, 2018 йилда 210 миллион долларлик 54 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 3 мингдан ортиқ иш ўрни яратилган бўлса, 2021 йилга келиб ушбу кўрсаткич лойиҳалар бўйича 104 тага, яратилган иш ўринлари сони бўйича 9 мингтага етган.

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар, бу борада зарур инфратузилмага эга саноат зоналарини ташкил этиш ва у ердаги корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлашга доир қўрилаётган чоралар юртимиз саноатининг янги даври бошланишига замин яратмоқда, — дейди “Ургут” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси раҳбари Жамшид Ҳайдаров. — Саноатнинг муттасил ривожини ҳудудимизда фаолият юритаётган корхоналар мисолида айтишдан бўлса, 2018 йилда 294 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва шундан 8,6 миллион долларлик қисмини экспорт қилишга эришилди. 2021 йилда эса бу кўрсаткич сезиларли ошди:

2,5 триллион сўмлик айланма маблағ ва 60 миллион долларлик экспорт. Бу йилги натижаларимиз ҳам чакки эмас. Хусусан, корхоналаримизда жорий йилнинг 7 ойида 2,7 триллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб



чиқарилди, 57 миллион долларлик қисми экспорт қилинди.

Бугунги кунда “Ургут” эркин иқтисодий зонасида қиймати 626 миллион доллардан зиёд 109 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Шундан қарийб 313 миллион долларлик 68 та лойиҳа бўйича ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 4,5 мингга яқин янги иш ўрни ташкил этилган. Айни пайтда ушбу корхоналарда газ плиталари, енгил саноат ва чарм-поабзал маҳсулотлари, гилам,



гигиена воситалари, электр техникаси буюмлари каби 220 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Эътиборли жиҳати, деярли барча корхоналарда маҳсулот турлари, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

КИР ЮВИШ МАШИНАСИ ВА ЧАНГЮТКИЧ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Эркин иқтисодий зонанинг Сариктепа маҳалласида ташкил этилган ҳудудда фаолият юритаётган “Сам электро сервис” масъулияти чекланган жамиятида ишлар қизғин.

Умумий қиймати 6,3 миллион доллар бўлган мазкур корхона Германия, Туркия ва Хитой каби ривожланган давлатларнинг замонавий, энергия тежовчи ускуналари билан жиҳозланган. “Идеал” бренди остида йилга 260 минг дона электр дуюхка, 150 минг дона газ плитаси ва улар учун қўшимча буюмлар ишлаб чиқариш қувватига эга. Айни пайтда бу ерда қунига 300-400 та ана шундай тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ички ва ташқи бозорларга етказиб берилипти.

Президентимиз ўтган йилнинг апрелида Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида “Ургут” эркин иқтисодий зонасида ҳам бўлиб, ушбу корхона фаолияти

билан танишган, бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини кенгайтириш бўйича зарур топшириқ ва тавсиялар берган эди.

— Бу ерга илк бор 2017 йилда келганман, — дейди корхона раҳбари Содиқ Азимов. — Мақсадим гарчи ташкил этилажак эркин иқтисодий зона ҳудудида ўз корхонамни бунёд этиш бўлса-да, бошида бир оз иккиланганман. Чунки бу жойларда ўша пайт на электр энергияси ёки газ, на йўл, ҳаттоки сув ҳам йўқ эди.

Шу пайт тадбиркор “Сиз шундай жойга, шундай бир шароитда пул тикармидингиз”, дея бизга юзланади. Жавобимизни кутмасдан, яна сўзида давом этади:

— Тадбиркорлик таваккалчиликка асосланади. Лекин таваккалчилик ҳам мантиқ бўлиши керак-да. Хуллас, бу ерда ўз корхонамни қуришга қарор қилдим. Давлатимиз раҳбарининг юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш борасида юритаётган қатъий сиёсати, илгари сураётган ташаббусларининг ҳаётимизда ўз амалий тасдиғини топаётгани шундай қарорга келишимга асос

каби ўнлаб корхоналар барпо этилгани, айниқса, Сариктепа ва унга ёндош маҳаллалардаги ишлаб, муҳим даромад топиш истагида бўлган минглаб ёшлар учун айни мудоао бўлди. Ана шундай мақсадли ёшлар маълум муддат касб-хунар ўрганиб, бу ерда “Ўстоз-шогирд” анъанасига мувофиқ иш бошлаяпти. Уларнинг хавфсиз иш шароити, ишга келиб-кейтиши, овқатланиши борасида барча зарур шароит яратилган.

Корхонада 2021 йилда 41 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 1 миллион долларлик қисми қўшни Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, шунингдек, Арманистон ва Озарбайжон каби мамлакатларга экспорт қилинган.

Бу йилги кўрсаткичлар ҳам чакки эмас. Жумладан, 7 ойда корхона томонидан 40 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, шундан 684 минг долларлик қисми экспортга йўналтирилган. Йил якунига қадар экспорт ҳажмини ошириш, географиясини кенгайтириш мақсад қилинган.

ҳозирги кунда тобора талаб ортиб бораётган қалин гилам ишлаб чиқаришни ташкил этишимизга замин яратади.

Корхонада 2021 йилда 70 миллиард сўмлик гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, шундан 1 миллион 700 минг долларлик маҳсулотлар Марказий Осиё ва Европа давлатлари, Россия, Бангладешга экспорт қилинган.

Жорий йилнинг 7 ойида эса ушбу кўрсаткич ишлаб чиқариш ҳажми бўйича 30 миллиард сўмни, экспорт ҳажми бўйича 720 минг долларни ташкил этди.

43 нафар ишчи-ҳодим билан иш бошлаган мазкур корхонада айни пайтда 200 нафарга яқин мутахассис меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти шу ҳудуд атрофида жойлашган маҳаллаларда яшовчи йигит-қизлар экани қувонарли ҳол, албатта.

— Камангарон коллежиди машина тузатиш мутахассислиги бўйича ўқиганман, — дейди Нажмиддин Асоров. — Бундай заводлар бўлмаганида қишлоқ шароитида мутахассислигини бўйича иш қайда дейсиз? 3 йилдан буён ип ўраш ҳеҳида ишлаяпман. Туркиялик мутахассислардан замонавий технологияларни пухта ўрганиб, бугун уларни ўзимиз бошқаряпмиз. Корхонамизда ишчилар учун барча зарур шароитлар яратилган. Ишга келиб-кейтишимиз учун автобус ажратилган, махсус ишчи кийим ва тушлик билан таъминлашда, маошимиз ҳам яхши. Аслида, гиламчилик бизларга бегона эмас, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган қадимий соҳа. Момоларимиз азалдан қўй, эчки, туя жунидан гилам тўқиган. Бунда қирқилган жунлар аввал ювиб тозаланиб, темир тароқларда таралган, улардан ип йиғирилиб, турли табиий бўёқлар билан бўялган. Бундай гиламлар ранги ва сифати узоқ вақт сақланиб қолгани учун ҳам машҳур бўлган.

Бугунги кунда замонавий технологиялар ёрдамида ишлаб чиқарилаётган ўзига хос миллийлигимизни ифода этувчи юртимиз гиламлари, шу жумладан, “YEC Gilam” маҳсулотлари ҳам дунёда машҳур. Хусусан, 2020 йилда АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида мазкур корхонанинг савдо уйи очилиб, гиламлар савдоси йўлга қўйилган эди. Айни пайтда корхона экспорт географиясини кенгайтириш мақсадида йирик харид қобилиятига эга катта бозорларни ўрганиш ва улар билан ҳамкорлик қилиш бўйича тегишли ишларни олиб бормоқда. Демак, миллий брендга эга маҳсулотлар янада кўпроқ давлатларни забт этишда давом этади.

Умуман олганда, “Ургут” эркин иқтисодий зонасида айни пайтда қиймати 313,4 миллион долларлик 41 та лойиҳа бўйича қурилиш-монтаж ишлари олиб боришмоқда. Йил якунига қадар мазкур лойиҳаларнинг 15 таси ишга туширилиши ва 1 минг 600 дан зиёд янги иш ўрни яратилиши мўлжалланган.

Бундан ташқари, “Ургут” ЭИЗ дирекцияси томонидан ташаббускорлар билан 25 та истиқболли лойиҳани амалга ошириш борасида тегишли ишлар олиб бориляпти. Ушбу лойиҳалар доирасида 155,5 миллион доллар инвестиция жалб этилиши ва қарийб 2 минг 200 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Бир сўз билан айтганда, саноат зоналари, бир томондан, юз минглаб яратилаётган янги иш ўринлари орқали аҳоли фаровонлигини оширишга замин яратаётган бўлса, бошқа томондан, маҳаллийлаштириш ҳисобига импортни қисқартириш, ҳудудларнинг саноат салоҳиятини юксалтириш орқали иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

**Авазбек Худойкулов,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири**

7 ОКТАБРЬ — ХАЛҚАРО ПАХТА КУНИ

ИННОВАЦИЯ ВА АЪЛО НАВ — МЎЛ ҲОСИЛ КАФОЛАТИ



Ақтам ДАЛИЕВ,
Инновацион ривожланиш
вазирлиги бошқарма бошлиғи
ўринбосари

Тўқимачилик саноатида табиий ўсимлик толаранининг кенг қўлланиши туфайли пахтага бўлган талаб ҳам кун сайин ортиб борапти. “Оқ олтин” етиштиришдан олинadиган глобал бизнес даромади йилига 500 миллиард АҚШ долларини ташкил этишини ҳисобга олсак, мазкур экин иқтисодий жиҳатдан қўшимча қийматга эгаллиги яққол кўзга ташланади. Турли иқлим шароитлари, касаллик ва зараркундаларга чидамли, ҳосилдор, аъло толали ғўза навларини яратиш орқали тўқимачилик саноатини юқори bosқичга олиб чиқиш мумкин. Замон шиддат билан кечмоқда. Мана шу жадаллик ҳар бир соҳа олдида янгидан-янги талабларни қўяди. Жумладан, тўқимачилик саноати ҳам замона мезонларига жавоб бериши олимлар ва тадқиқотчилардан чуқур изланиш талаб қилади.

Мана учинчи йилдирки, Жаҳон савдо ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) та-шаббуси билан 7 октябрь — Халқаро пахта куни сифатида кенг нишонлаб келинади. Шу санада ўтказиладиган тадбирлар пахтачилик, пахтани қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, соҳада ўтказиладиган тадқиқотлар, ишланмаларни қўллаб-қувватлаш, халқаро ҳамкорлиқни такомиллашти-риш ва бошқа амалий чораларни бел-гилашга қаратилган.

Рақамларга эътибор берадиган бўлсак, куруқ иқлим шароитларида ҳам етиштириладиган пахта дунё аҳолисининг кийим-кечакка бўлган эҳтиёжини 27 фоизга таъминлайди. Ўсимлик чигитидан ёғ олинади, чор-ва молларига озуқа бўлади. Бугунги кунда эса пахтадан инновацион маҳ-сулотлар яратишда ҳам кенг фойда-ланилмоқда.

Президентимиз кеча қишлоқ хўжа-лигидаги ишлар ҳолати, аҳоли ҳаёти билан танишиш мақсадида Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида иннова-ция ва нав завазига ҳосилдорлиқни ошириш зарурлигига алоҳида эъти-

суғориладиган экин майдони монито-ринги амалга оширилиб, илмий-ама-лий хулосалар асосида зарур чоралар қўрилади.

Бир нарсани айтиш жоиз, Ўз-бекистон узоқ йиллар давомида пахта хомашёсини экспорт қилган. Бу тайёр маҳсулотдан кўра, жуда паст иқтисодий самара дегани. Айнан шунинг учун ҳам кейинги йилларда бу масалага давлат сиё-сати даражасида эътибор қарати-либ, бугунги кунда етиштирилган хомашёнинг юз фоизи ўзимизда қайта ишланаяпти.



2021-2022 йИЛЛАРДА ПАХТАЧИЛИКНИ РАҚАМЛАШТИРИШ БЎЙИЧА 10 ТА АХБОРОТ ТИЗИМИ ИШЛАБ ЧИҚИЛИБ, ЖОРИЙ ЭТИЛДИ. БУ ЭСА ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИ ВА ЭКИНЛАРИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШГА МЎЛЖАЛАНГАН ГЕОАХБОРОТ ТИЗИМИ ИШЛАБ ЧИҚИЛИБ, ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ВЕГЕТАЦИЯ ДАВРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ.

ларини экин етилгунига қадар аниқ-лаш имконини беради. Дунё бўйича пахта етиштириладиган майдон-ларнинг 95 фоиздан ортиғида ўрта толали ғўза тури экилади. Англаш мумкинки, олий толали турни яра-тиш учун генетик таҳлиллар ўтқа-зишнинг аҳамияти катта.

ларимиз биологик жиҳатдан эскирган эди. Турли табиий офатлар, касаллик ва зараркундаларга бардошли экин турларини кўпайтириш зарурлигини даврининг ўзи исботлади.

Кўплаб мамлакатларда ғўзанинг вилт касаллигига учраши ва унинг на-тижасида ўсимлик қуриб қолиш ҳолат-лари кузатилмоқда. Бу муаммони ҳал қилиш, ғўза етиштираётган фермер-ларга кўмак бериш мақсадида АҚШ ва Ўзбекистон олимлари ҳамкорлик-да тадқиқот ишларини олиб бормоқ-да. Илмий изланишлар ўсимлиқнинг замбуруғга чидамлилигини оширишга қаратилган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ғўза экин майдони ва пахта толасини етишти-риш бўйича дунё мамлакатлари ора-сида олтинчи ўринни эгаллайди. Шу йил март ойи бошида мамлакатимиз пахта-тўқимачилик саноатини дунё-нинг энг жозибador тармоқларидан бирига айланишига янада кенг йўл очилди. “Cotton Campaign” Ўзбекис-тон Республикасида етиштирилган пахтага нисбатан глобал бойкотини бекор қилди. Бу жуда катта имко-ният дегани. Мазкур ташкилот 331 та бренд ва ритейлларни ўз ичига ола-ди. Бойкотнинг бекор қилиниши мам-лакатимиз тўқимачилик ва тикувчилик корхоналарининг экспорт география-си кенгайишида муҳим омил бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 7 июлдаги қарори билан Ўзбекис-тон Президенти ҳузурида Пахтачи-лик кенгаши ташкил этилди. Кенгаш томонидан танлаб олинган 13 та ту-маннинг ҳолати ўрганилганда, ҳақи-қатан, ғўзани ўғитлашни ўзгартириш, гербицид ва пестицидлар қўллашни ҳам тартибга солиш вақти келгани аён бўлди. Изланишларимиз асоси-да ҳар йили илмий асосланган ҳол-да ҳосилдор ва эртапишар навларни ҳудудлар кесимида тўғри жойлашти-ришни йўлга қўйилмиш. Қувонарлиси, эндиликда ҳудудларда кичик иннова-ция уруғчилик корхоналари ташкил этилади. Янги навларнинг кичик пар-тиядаги уруғчиликнинг жамғариш, сақлаш ва қайта ишлаш, ҳосилдор-ликни давлат андазаси талабларига етказишда бундай корхоналар катта ҳисса қўшади.

Республикада 122 та пахта-тўқима-чилик кластери фаолият юритмоқда. Уларнинг 97 тасида 2 миллион 536 минг тонна пахтани қайта ишлаш за-водлари ҳамда 39 та кластерда 193,5 минг тонна мато ишлаб чиқариш қув-ватлари мавжуд. Пахтага агротехник ишлов бериш ва ундан юқори ҳосил олишни илмий асосланган техноло-гиялар асосида ташкил қилиш мақса-дида 16 та пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш кластерларига 31 нафар олим бириктирилган.

Ер ва сув ресурсларидан оқило-на фойдаланиш баробарида аҳо-лининг озиқ-овқат маҳсулотлари ва иқтисодиёт тармоқларининг хомашё-га бўлган талабини қондириш учун ҳам бизга келажаги кафолатланган маҳсулдор навлар керак. Соҳани ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар илм-фан ва амалиёт ин-теграцияси сифатида муҳим омил бўлмоқда.

ЮКСАЛИШ ПАЛЛАСИ

ВИКИПЕДИЯ РЕЙТИНГИДА ЮҚОРИЛАШ БУНГА КИМ ҚАНДАЙ ҲИССА ҚЎШЯПТИ?

Шу йил 30 июнь — Ёшлар кунига бағишланган тантанали тадбир олдидан бир гуруҳ ташаббускор ёшлар томонидан давлатимиз раҳбарига “WikiStipendiya marafoni” лойиҳаси тақдими қилинган. Президентимиз лойиҳани эътироф этиб, жумладан, шундай деди: “Википедияда ўзбек тилидаги мақолалар сонини 100 мингтага етказиш ва хорижий тилларда ҳам Ўзбекистон ҳақидаги маълумотларни жойлаштириш яхши самара бериши шубҳасиз. Ушбу мақсадлар учун 10 миллиард сўм маблағ йўналтирилади”.

Интернет оламида ўзбекча мат-ли маълумот ва видеоконтентларни кўпайтириш учун алоҳида маблағ аж-ратилиб, зарур шароит яратилгани ташаббускор ёшларга катта рағбат бўлди.

Аввалроқ интернет тармоғида ўз-бек миллий контентини ривожланти-риш, она тилимиздаги сифатли маъ-лумотларни кўпайтириш мақсадида “WikiStipendiya marafoni”га старт берил-ган пайтда википедияда ўзбек тилидаги 140 минг 348 та мақола бор эди. Айни пайтда улар сони 178 минг 25 тага етди. Тахир қилинганлари сони ўша пайтда 2 минг 559 тадан ортиқроқ бўлган бўл-са, ҳозир 3 мингга яқинлашди. Фаол фойдаланувчилар сони эса 388 нафар-дан 803 нафарга кўпайди.

Шу йилнинг 1-6 август кунлари “WikiStipendiya marafoni” доирасида Тошкент вилояти Бўстонлик тумани-да жойлашган “Ёшлар оромгоҳи”да “WikiOromgo” лойиҳаси ташкил этил-ди. 150 нафар фаол иштирокчи, волон-тёр ёшлар оромгоҳда жам бўлди. Улар википедия маъмурларидан маҳорат дарслари олиш билан бир қаторда ви-кипедиянинг она тилимиздаги контен-тини бойитишга ҳам ҳисса қўшди.

касаллигининг келиб чиқиши, даво-лаш жараёни ҳақида ўзбек тилида батафсил маълумот келтирилган. Бу фарзанди шу хасталик билан оғриган ота-оналар учун ажойиб қўлланма вазифасини ўтайди.

Ўзбекча википедияда аёллар ҳа-қида маълумотлар кам бўлгани боис, “WikiAyollar” лойиҳаси бошланди. Ло-йиҳа доирасида аёллар, уларнинг ҳу-қуқ ва мажбуриятларига оид мақола-лар кўпайтирилиб, мунтазам жойлаб келинмоқда. Бу билан ўз фаолиятида юқори натижаларга эришган, фаол, қаҳрамон аёллар ҳақидаги мақолалар кўпайишига эришилди. Ўзбекча вики-педиядан ўрин олган шу мавзудаги мақолалар сони айни пайтда 836 тани ташкил этмоқда.

Наманган муҳандислик-қурилиш институти талабаси Хусан Расулов “Аёлларнинг жамиятда тутган ўрни, ҳуқуқлари мавзусидаги энг яхши мақо-ла” йўналишида голиб деб топилди.

— Ўзбек тилидаги википедияга 350 дан ортиқ мақолам киритилди. Шундан 200 га яқини аёлларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга бағишланган, — дейди Хусан Расу-лов. — Ундан дунёдаги энг таниқли



Бир ҳафта давомида ўзбек тилида 8 мингдан ортиқ мақола ёзилди. На-тижада ўзбекча википедия икки поғо-на юқори кўтарилиб, 55-ўринга чиқ-ди. “WikiOromgo”да иштирок этган ёшлар махсус сертификатлар, ҳафта давомида ўтказилган интеллектуал уйинларда голиб бўлган жамoa аъзо-лари эса китоблар тўплами билан тақ-дирланди.

Кунни кеча “WikiStipendiya marafoni” доирасида ўтказилган танловларнинг 8 нафар голиби қимматбаҳо совға ва диплом билан тақдирланди.

— “Долзарб мавзу бўлиб энг яхши мақола” йўналишида голиб деб топил-дим, — дейди Ўзбекистон журналис-тика ва оммавий коммуникациялар университетининг 2-курс магистранти Дилбар Исмаилов. — Болаларга, жониворларга нисбатан шафқатсиз-лик, очарчилик, аутизм спектрининг бу-зилиши каби мавзулардаги мақолала-рим ўзбекча википедиядан жой олди. Танлов лойиҳаси доирасида 30 га яқин мақола ёздим, 800 та мақолани тахир қилдим. Википедия қондаларига кўра, мақола ҳажми 200 та сўздан кам бўл-маслиги ва камида 4 та нуфузли ман-бадан фойдаланилган бўлиши керак. Ўзбек тилидаги мақолалар ичида ме-нинг ёзганларим энг катта ҳажмда — сўзлар сони тахминан 20 мингта. Сонга эмас, сифатга эътибор қаратдим. Ма-салан, бир кунда 5-6 та мақола ёзиш мумкин бўлса, мен битта мақолага 1 ҳафта — 10 кунча вақт сарфладим...

Дилбарнинг “Аутизм спектри-нинг бузилиши” номли мақоласи ўз-бек тилидаги википедияда ҳажми жиҳатидан 5-ўринда. Унда аутизм

сиёсатчи, ишбилармон аёллар, хо-тин-қизлар ҳуқуқини таъминлашга доир маълумотлар ўрин олган.

Айни пайтда “WikiTa’lim”, “WikiKlub” каби янги лойиҳалар йўлга қўйилмоқ-да. “WikiTa’lim” лойиҳасида таълим муассасалари ўртасида беллашув ташкил этилади. Лойиҳада талабалар мустақил иш, реферат ёзиш ва бошқа ортиқча вазифалардан овоз қилинади. Унинг ўрнига википедияни бойитишга хизмат қиладиган мақолалар ёзилади. Мақолалар баҳолаб борилади. Мах-сус платформа орқали ОТМларнинг бу борадаги рейтингни белгиланади.

“WikiKlub” лойиҳаси доирасида эса “WikiKino”, “WikiKitob”, “WikiMehton”, “WikiMashg’ulot” каби кичик дастурлар йўлга қўйилиши кўзда тутилган бўлиб, матнли, видеоконтентлар қўлайишига хизмат қилади. Бу жуда муҳим. Зеро, болаларимиз учун ўзбек тилидаги ви-деоконтент, анимацион фильмлар жуда кам.

Интернетнинг миллий сегментида ёшларни ўзига жалб қиладиган, та-рихимиз, маданиятимиз, қадриятла-римиз ҳақида ишонарли ва қизиқarli маълумот берадиган контентларнинг кўпайиши давлатимиз, тилимиз, мил-латимизнинг маъқени кўтаради. Қо-лаверса, бу ўғил-қизларнинг бўш вақ-тини мазмунли ташкил этиш, уларда китобхонликка қизиқишни янада оши-риш, ватанпарварлик туйғуларини ка-мол топтиришга хизмат қилади.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон”
муҳбири



бор қаратди. Хусусан, аҳоли учун яна 7,5 минг гектар ер ажратилиши орка-ли вилоятда ишсизлиқни бартараф этишга қаратилган таклифнинг қўла-б-қувватланиши замирида ҳам ана шу мақсад эътиди.

2021-2022 йилларда пахтачиликни рақамлаштириш бўйича 10 та ахборот тизими ишлаб чиқирилиб, жорий этил-ди. Бу эса ҳосилдорлиқни ошириш-га хизмат қилади. Қишлоқ хўжалиги ерлари ва экинларини мониторинг қилишга мўлжалланган Геоахборот тизими ишлаб чиқирилиб, Геоахборот-нинг вегетация даврини таҳлил қи-лиш йўлга қўйилди. “Ақлли” техноло-гиялар ёрдамида 3,2 миллион гектар

Жаҳон бозорига сифатли мато доим харидорғир бўлган. Пахта толаси узунлиги, пишқлиги унинг сифат кўрсаткичларини белгилай-ди. Тола сифатини яхшилаш, ҳо-силдорлиқни ошириш, ғўзанинг тупроқ шўрланиши ва қургоччилик-ка чидамли навларини яратишда олимларимиз маркерлар ёрдамида селекция ишларини олиб боришни йўлга қўйди. Авваллари бир нави катта майдонларга экиб, парвариш-лаб, ҳосилга киргач, унга баҳо бе-рардик. Яхши ёки ёмон кўрсаткича эришганимизни билиш учун узоқ вақт кетган. Молекуляр маркерлар ўсимликларнинг муайян хусусият-

Мамнуниятли томони, Фанлар ака-демиясининг Геномика ва биоинфор-матика маркази олимлари томонидан молекуляр маркерлар ёрдамида қис-қа муддатларда толасининг сифати юқори ва катта агрономик имконият-ларга эга ғўзанинг иккита янги нави яратилди. Бу навлар тоғли ҳудудлар-да етиштириладиган дағал толали пахта навлари ўрнини тўлдириб, тў-қимачилик саноатининг эҳтиёжларига жавоб берадиган хомашё бўла олади. “Равнак-1” ва “Равнак-2” ғўза навлари дунёда ягона экани бизга ғурур ба-ғишлайди. Навларнинг толаси узун ва пишқ бўлиши дунё ғўза селекцияси дастурининг муҳим муаммоларидан бири саналади. Унинг ечими эса юр-тимиз олимлари томонидан топилди.

Машина терими учун ҳам қўлай бўлган бу навларнинг тола чиқими 38 фоиз ва ҳосилдорлиги 45-50 центнер-дан юқори. Мазкур ғўза навлари тола сифати III тилга мансуб бўлиб, тўқи-мачилик саноатида юқори самарали маҳсулот олиш имконини беради. Ғўза тури Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида экилган бўли-б, жорий йилда 500 тоннадан ортиқ уруғлик чигит тайёрлашни режа қил-ганимиз. Келгуси йилда бундай экин майдонлари янада кенгайди.

Янги навлар яратишга эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Биз кўп ҳолатларда иқлим билан боғлиқ ўз-гаришлар ва зараркундалардан қўчирдик. Йилнинг қўлай об-ҳаволи бўлишини-ю ҳашаротлар кўпаймас-лигини, янги турлари “меҳмон” бўл-маслигини кутиб яшадик. Чунки навл-





15 ОКТЯБРЬ — ХАЛҚАРО ҚИШЛОҚ АЁЛЛАРИ КУНИ

Куз — пишиқчилик, йигим-терим мавсуми. Деҳқону боғбонлар меҳнати маҳсули сарҳисоб қилинадиган палла. Кўёшли куннинг ҳар дақиқасини ғанимат билган анорчи боғбонлар ҳам ҳосил теримига киришди. Уфққа туташган далалар бўйлаб ястаниб ётган анорзорларда товланиб, кўзни қамаштираётган қирмизи анор мевалари ҳосил мўлчилигидан дарак беради. Саралаб узилган ҳосил ички бозордан ортиб, экспортга ҳам ҳозирланмоқда.

“ПРЕЗИДЕНТГА БЕРГАН ВАЪДАМНИ БАЖАРАМАН!”



Сўнгги йилларда Фарғона боғларида етиштирилган қирмизи анорларга Жанубий Корея, Хитой, Россия, Украина, Бирлашган Араб Амирлиги, Қозғистон, Қирғизистон каби мамлакатларда талаб ортиб бормоқда.

Дунёда анор гулидек чиройли гул, мевасининг донасидек чиройли ёқут тош йўқ. Она табиатнинг ўзига хос мўъжизаси бўлмиш бу тождор мева ҳақида шоирлар кўплаб ашъорлар битган, таърифу тавсиф қилган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Марғилон ҳақида сўз айтганда унга қуйидагича таъриф берган "...Пур неъмат, анори ва ўруғи асру кўп ҳуб бўлур. Бир жинс анор бўлур 'дона калон' дерлар, чўчқилигидан зардолу майхушлигидин андак чошин бор. Самнон анорларига таржеҳ қилса бўлур".

Жаҳон отин Увайсий бу табиат инъомини юзига парда тортилган қизларга қийслайди:

*Ул на гумбаздир, зииги туйнугидин йўқ нишон,
Неча гулгунпўш қизлар манзил айлабдир макон.*

Синдириб гумбазни қизлар ҳолидин олсам хабар,

Юзларига парда тортиглиц, турарлар бағри қон.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов бу табиат неъматини улкан Ер шарига менгазди:

*Қаршимда ер шарин сурати турар,
Салмоғи Қуванинг анорича бор.
Тим қора осмонда порлаб қўринар,
Шу жажжи сайёра кўркам улғувор.*

Ёшлик эликсири

Қадимдан анорчилик улкан даромад манбаи, шифобахш мева сифатида қадрланган. Замонавий тиббиёт, халқ таъбаотида ўзига хос фойдалаи хусусиятлари учун кўлланилади. Анор данагидан олинган мой қимматбаҳо ҳисобланиб, юрак ва жигар хасталиқларини даволашда яхши самара беради. Анор дунёда ёшлик эликсири сифатида ҳам маълуму машҳур. Шу боис, бу маҳсулотга талаб ҳаммаша юқори.

Ўзбекистон Анорчилар ассоциацияси раиси, "Фарғона анорчилик" агрофирмаси раҳбари, "Дўстлик" ордени соҳибаси Мاستураҳон Сайфутдинова бу борада кўлга ибрат бўлиб келаётган миришқорлардан. "Анорзор маликаси"нинг катта ҳаёт йўлида она табиатнинг мўъжизаси бўлмиш қирмизи анорнинг ўрни беқиёс. Умрининг энг гуллаган даври, ёшлик ғайрати анорли боғлар билан ҳамоҳанг. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида Қуванинг куз илғамас қир-адирларига илк бор анор ниҳоллари экила бошлаганида соҳлари товоғига тушган, қирқ қонили қиз эди.

Уша кезлари ҳар куни далага ошиқарди. Бор меҳри, куч-қувватини деҳқончиликка сарфлади, тажриба орттирди, назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлаб, соҳанинг моҳир устасига айланди. Кичик гектарлардан бошланган ташаббус кундан-кунга қўлоч ёйди. "Қирқ қизлар" анорчилик бригадаси сардори бошчилигида қак-рак ётган ерга сув олиб чиқилиб, 800 гектар янги анорзор ташкил этилди...

Бу ўтиш хотираларидан бир парча. Кейинчалик қадқоқ кўлли деҳқонлар қалб қўри, машаққатли меҳнати билан яратилган

анорли боғлар эътибордан четда қолди. Ҳар ким ўз ҳолича иш тутишга уринди, кўчатчилик, янги навлар яратиш борасидаги ишларга панжа орасидан қарашди. Сархил меваларни сотиш учун бозор йўқ. Сув текинга маҳсулот сотган деҳқоннинг қосаки оқармади. Натижада кўплаб анорзорлар қаровсиз қолди ёки бузиб ташланди...

— Президентимиз бундан тўрт йил аввал Фарғонага сафари чоғида "Фарғона анорчилик" агрофирмаларда бўлиб, тармоқнинг бугунги аҳволи билан танишган эди, — дейди Мастураҳон Сайфутдинова. — Уша учрашувда олдимиздаги режаларимизни айтиб, давлатимиз раҳбарига анорчиликни ривожлантириш бўйича ваъда берган эдим. Шундан сўнг Президентимизнинг кўплаб-қувватлови



ва таклифлари асосида бу борадаги ишларга жиддий киришдик. Хусусан, Қувасой шаҳрига қарашли, паст рентабелли 300 гектар майдон ажратилди. Бу ерда анорнинг серҳосил, маҳаллий шароитимизга мос навларини эдик. Қорадон, қизил пўчок, ширин, аччиқ, қаюм, туйтиш навлари таъми, серҳосиллиги билан ажралиб туради. 2018 йилда вилоятимизда бор-йўғи 861 гектар анорзор бўлган. Бугунга келиб, кўрсаткич 3 минг гектардан ошди. Янги боғларимиз бу йил ҳосилга кирди. Бундан ташқари, бошқа вилоятларга ҳам сархил кўчатлар етказиб беряпмиз. Қува анори навларини кўпайтириш, янги навларни маҳаллийлаштириш, инновацион ғоялар асосида қайта ишлаш, экспортга йўналтириш соҳасида истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Яна бир катта воқелик — Шеробод туманида "Ўзбекистон анорчилари кунин" республика фестивалини катта кўтаринкилик билан ўтказдик. Катта мамлакатимиз анор етиштирувчилари ва соҳа мутахассислари, Туркия, Озарбайжон, Жанубий Корея, Афғонистон, Украина, Тожикистон давлатлари вакиллари иштирок этди.

Тўғриси айтишим керак, анорчилик қишлоқ ҳўжалигининг тугаётган тармоқларидан бирига айланган эди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бу соҳа қайта тикланмоқда. Юртимиз анорчиларининг бошини қовуштирган маъруз фестивални Шеробод туманида ўтказётганимизда ҳам чуқур маъно бор. Туман боғбонлари анорчиликда катта тажриба бўлган. Иккинчидан, ҳудудда тармоқни янада юксалтириш учун етарли ер мавжуд.

Фарғона водийсида эса аҳоли зич жойлашган. Учинчидан, фестиваль баҳонасида мамлакатимиз анор етиштирувчилари ва етакчи олимлар, соҳа мутахассислари, хорижлик экспертлар ўзаро тажриба алмашиш, замонавий инновацион ғояларни кенг жорий этиш имкониятига эга бўлмоқда.

Фарғона шаҳридан Қува тумани бўйлаб йўлга чиқсангиз, катта автомобиль йўлининг икки ёнида куз тафтидан алвон ранг олган анорзорларга кўзингиз тушади. Аксариат майдонларда томчилатиб сўғориш технологияси жорий қилинган, ёш ниҳоллар ораллигига полиз ва сабзавот экилган. Бир вақтлар тош-шағалдан иборат бўлган ерда яратилган кўркам боғлар кўзни қувнатади.

"Қува анорлари" анорчилик кластери 180 та фермер ҳўжалиги, 900 дан ортиқ томорқа ер эгаси ихтиёридаги 1300 гектардан ортиқ майдонда пишиб етилган ҳосилни пешма-пеш териб олмақда. Ҳозирга қадар йиғилган ҳосил салмоғи 10 минг тоннадан ошди.

Мастураҳон Сайфутдинованинг томорқа ҳўжалиги кичик тажриба майдонига айланган. Бу ерда 10 турдан ортиқ сархил анор навлари парваришланмоқда. Энг сара маҳаллий навлардан ташқари хориждан олиб келинган уруғсиз анор ҳосилга кирган. Соҳибдорнинг айтишича, келаси баҳорда 2 гектар майдонга уруғсиз анор кўчатлари ўтказилади. Қува туманидаги "Наврўз", "Толмозор", "Урабоши", "Деҳқонобод", "Баҳор", "Мустақиллик" маҳалла фуқаролар йиғинларидаги хонадонлар томорқаларида "Бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойили асосида анор етиштирилмоқда.

Қува ва Тошлоқ туманлари, Қувасой шаҳри ҳудудидаги 300 гектар ердаги кўчатчилик ҳўжалигида 12 та истиқболли навлар парваришланмоқда. Ўтган йилнинг ўзида анорчилик йўналишида ишлаётган ҳўжаликларга 2 миллион тулдан ортиқ сархил анор кўчати етказиб берилди.

Кўлмани кенг ишлар Олтиариқ туманидаги Қизилтепа массиви ҳамда Риштон тумани ҳудудидаги Марказий Фарғона ерларида ҳам олиб борилаётган. Олтиариқ туманида узумчилик яхши ривожланган тармоқлар сирасига қиради. Лекин бу ер-

даги мавжуд шарт-шароитлар анорчилик тармоғини ривожлантириш имконини беради. Шу кунга қадар Риштон ва Олтиариқ туманларида ўзлаштирилиб, қайта фойдаланишга киритилган 600 гектардан ортиқ майдонда янги анорзорлар барпо этилди.

— Икки гектардаги анор боғларимиз бу йил ҳосилга кирди, — дейди Риштон тумани "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Маъруфжон Султонов. — Дастлабки йилнинг ўзида уч тоннадан ортиқ ҳосил териб олдик. Кўчатлар орасига полиз, сабзавот, дуккакли экинлар экиб, даромад қилдик. Сув тақчил бўлиб бораётган бугунги кунда сўғоришни мўқобил усулларидан фойдаланиш орқали ҳосилдорлиқни ошириш, маҳсулот таннаҳини арзонлаштириш, соф фойда миқдорини кўпайтириш устида ишляпмиз.

Дарҳақиқат, бир вақтлар эътибордан четда қолган анорчилик соҳаси янги босқичга олиб чиқилди. Бу вилоятда анор етиштиришни кўпайтириш, сақлаш, қайта ишлаш ва экспортга йўналтириш, экотуризм хизматларини йўлга қўйиш имконини бермоқда. Кейинги уч йилда вилоятда 2000 гектар янги анорзор яратилди. Бу эса янги иш ўринлари очиб ва шу орқали аҳоли фаровонлигини юксалтиришга, қолаверса, ҳудуд экспорт салоҳияти ошишига хизмат қилмоқда.

Расулжон КАМОЛОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири



ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

“МИСКАР-КАНДАКОРЛИК САНЪАТИ ШУҲРАТИНИ ОЛАМГА ЁЙСАМ, ДЕЙМАН”



Кунларнинг бирида Акрамхон Юнусовнинг қўлига тасодифан келиб қолган қадимий мис идиш унинг ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. Шу тарихий идиш туфайли мискарликка қизиқиш пайдо бўлди. Бу соҳага оид китобларни топиб, мискарлик тарихи ва бугуни билан танишиб чиқди.

Ҳечдан кўра кеч: ўқиди, изланди...

Фарғона вилояти Қўштепа туманининг Сармазор маҳалласида яшовчи Акрамхон "Мен ҳам мискар-кандакор бўлсам", деган умидда ўттиз уч ёшида шу хунарнинг бошини туттиш учун мискарларга учрашиб кўрди. Унинг мақсади усталардан бирига шогирд тушиш ва бу хунарнинг сир-асрорларини ўрганиш эди.

— Мискар усталарга шогирд тушмоқчи бўлдим, лекин бу осон кечмади, — дейди А.Юнусов. — Ўзига яраша қийинчилиги, сир-асрори бор экан. Аммо усталардан нимадир ўрганишга ҳаракат қилвердим. Шу зайл анча вақт ўтса-да, аҳдидан қайтмадим. Кандакорлик хунарини ўрганаман, ўз устахонам, у ерда ўзим ясаган бежирим буюмлар бўлади, дея ният қилишдан тўхтамадим...

Акрамхон уйда шароит яратиб, мисдан буюм ясаш учун керакли асбоб-анжомларни топиб келди, йўғини ўзи ясади. Ўқиди, изланди. Аввалига эски буюмларни таъмирлади, жуда яроқсизларини бузиб, ўрнига янгисини ясашга уринди. Мустақил фаолиятини йўлга қўйган, марғилонлик уста Аъзамхон акадан билмаганларини ўрганди. Устадан олган кўникмаларини амалиётда қўллади. Иш устида баъзан тунни тонга улаган кунлари ҳам бўлди.

Вақт югурди. Орадан йиллар ўтди. Акрамхон Юнусов ўз соҳасини яхши биладиган, ишбилармон уста даражасига етди. Бугунги кунда ўғиллари Муҳаммадалихон ва Муҳаммадосифхон ота изидан бормоқда. Улар ёш бўлишига қарамай, дарсдан буш вақтида отасидан бу хунарнинг шарафли ва заҳматли сирларини кўн билан ўрганмоқда. Бири нақш чизса, бири идиш ясади. Уста келажақда ким ўғлини ҳам етук хунароманд қилиб етиштирмоқчи.

Ҳар нусха — асл ва ягона

Акрамхон авваллари ясаган буюмларини жойлаш учун 150 минг сўмдан кўти сотиб олارد. Кейинчалик бу ишни ўзи йўлга қўйди. Ҳозирда кўтини онаси ва турмуш ўртоғи ясапти. Кўтига



жойланган санъат асарларини чет элларга олиб кетишмоқда.

Бугунги кунда хунароманднинг устахонасидан тарихий ва замонавий мис буюмларни топиш мумкин. Ҳозирда у "Хунароманд" уюшмаси аъзоси сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Устадан мисдан қандай буюмлар ясагини, улар қанча муддатда тайёр бўлиши ва уларнинг нархи ҳақида қизиқиш сўраганимизда, шундай жавоб берди:

— Самовар, офтоба, чилопчин, чойнак, товоқ ҳамда бошқа уй-рўзгор ва совға буюмлар ясайман. Кейинги пайтда кўпроқ чойнак ясайпмиз. Бир дон чойнак ясаш учун бир ҳафта вақт кетади. Қадимий ўзбекона усулда яратилган мис чойнаклар 1,5 миллион сўмгача сотилапти.

Бу қиммат эмасми, дея савол бердик.

— Тўғри, бу бир қарашда қимматга ўхшаши мумкин. Лекин унинг ортида хунароманднинг неча кунлик қўл меҳнати, кўз нури ётибди. Тарихга назар солсак, қадимда кандакор усталар олтин, қумуш, мис, бронза буюмларга, шунингдек, пулатдан ясаладиган қурол-яроғ, ҳатто тўп-замбараклар сиртига ҳам газал битган, нақшлар солган. Уларнинг меҳнати сермашаққат, узок вақт талаб қилгани учун нархи қиммат юрган.

Ҳозирги кунга келиб мис идишдан фойдаланиш яна урфга кирмоқда. Чунки мис идишни ишлатиш инсон саломатлиги учун фойдали экани халқимиз кўпроқ сезмоқда. Кўпни кўрган нурунийларимиздан "Мис идишда таом тортиш ва тановул қилиш инсон саломатлиги учун кони фойда", деган гапни кўп эшитамиз.

Масалан, мис кўзадаги сув ниҳоятда тоза, хавфсиз, қанча турса ҳам айинмайди, ёз ойларида муздек сақланади. Ёзда чойнакка чой дамланса, кўп турмай айниб қолади. Мис чойнакка дамланган чой эса айинмайди, таъми ҳам лаззатли бўлиб туради.

Бу иш билан шуғулланаверсангиз, чизма ёки андазага ҳожат ҳам қолмас экан. Нақшнинг ўзи қуйилиб келади ва уни буюмга кўчирасиз. Буни йиллар давомда маҳорат ва тажрибанинг ошиб бориши маҳсули, деб ўйлайман. Хуллас, бизнинг хунарда бир-бирини тақорловайдиган нусхалар бўлмайди. Ҳар бири асл нусха — ягона.

Акрамхон Юнусов мамлакатимизда миллий хунаромандликка қаратилаётган эътибор туфайли ўз имкониятидан унмлли фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Халқ амалий санъати намуналари асосида бир-биридан гузал буюмлар яратиб келаётган мискар-кандакор ўз ижод намуналари билан республика ва турли халқаро кўргазмалар иштирокчиси, танловлар қолиби бўлди. Бугунги кунга-ча унинг ижод маҳсуллари 15 дан зиёд давлатда ўтказилган кўргазмаларда муносиб баҳоланган.

“Ҳаётимнинг унутилмас лаҳзаси”

— 30 июнь — Ёшлар кунини муносабати билан Тошкентдаги "Янги Ўзбекистон" боғида ўтказилган тадбир ҳаётимизда унутилмас лаҳзалардан бири бўлиб қолди, — дейди Акрамхон Юнусов. — Чунки бу ерда Президентимиз билан учрашиб бахтига муяссар бўлдим.

Давлатимиз раҳбари боғда беш муҳим ташаббус бўйича ташкил этилган павильонлар фаолияти билан танишиб, ёшлар ва тадбир иштирокчилари билан мулоқот қилди. Бу мулоқотда мен ва ўғлим Муҳаммадалихон ҳам бор эдик. Президент билан бўлган суҳбатимиз бизга катта рағбат ва куч берди. Меҳнатларини эътироф этилиб, мустақиллигимизнинг 31 йиллиги муносабати билан "Шуҳрат" медалига муносиб топилдим.

Мискар-кандакор уста Акрамхон Юнусов Президентимиз билан бўлган мулоқот ва ўзига бирдирилган ишончдан руҳланиб, бугун янги-дан-янги ижодий ишлар устида изланаётир. Эътибор ва эътироф туфайли ўз ишидан янада завқ олиб, янги ижодий марраларни забт этишга интиломоқда. Уста ўзи ясаган асарлари билан кандакорлик санъатини бутун оламга ёйишни ва уларнинг жаҳоннинг энг машҳур музейларидан жой олишини кўнглига туккан.

Мамлакатимизда хунаромандлар кўп. Ҳар бир устанинг ўз "дастхат"и бор. У яшаётган даври, ҳиссиётларию кечинмаларини асарларига жо этади. Мақоламиз қаҳрамони ҳам ўзи яратадиган асарлари билан мискар-кандакорлиқнинг йўқолиб кетаётган жиҳатларини тиклаб, келажақ авлодга етказиб беришни астойдил ният қилган.

Ёрқиной ҚОСИМОВА,
журналист

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1064.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нархда.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов
Мусахҳас: Шерзод Махмудов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА яқини — 23:35 Топширилди — 00:10